



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 171 (11.732)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий кутловлар келмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 30 август куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрди ва янги бунёд этилган йирик иншоотлар — «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи, вилоят мусикали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатрни ўз ичига қамраган «Бухоро маданий маркази» мажмуи билан танишди. Шунингдек, Баҳоддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

● Бухоро вилояти Вобкент туманида пойтахтдан келган таниқли илм-фан, адабиёт ва санъат намояндаларидан иборат ижодий гуруҳ аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни олдидан анъанавий қовун сайли ўтказилди. Тўрт кун давом этган сайилда шаҳарликлар ва хорижий сайёҳлар ширин-шакар қовунлардан тотиб қириш, уларни арзон нархларда харид қилиш имкониятига эга бўлдилар. Сайил якунида фаол қатнашган туманлар вакиллари, фермерлар, тажрибали деҳқонлар ва илмий муассасалар ходимлари муносиб рағбатлантирилди.

● Энг улуг, энг азиз айём арафасида Марғилон шаҳридаги 9-Болалар мусика ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан капитал реконструкция қилинган мазкур мактабда мусика ва санъат сирларини ўрганиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда ёшлар нафарат миллий мусика ва санъат турлари, балки жаҳон санъатига оид билиминини бойитишлари учун ҳам кенг имкониятлар мавжуд.

● Жорий йилда Кармана туманида олти тата савдо ва юзга яқин хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши режалаштирилган. Энг улуг, энг азиз айём — мустақиллик шодиёналари арафасида Кармана шаҳрида кўркам савдо мажмуасининг фойдаланишга топширилиши аҳоли учун муносиб байрам совғаси бўлди.

● Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, бизнесменларни молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий билимларини ошириш, замонавий асбоб-ускуналарни олишда амалий ёрдам кўрсатиш, вилоятга инвесторларни жалб этиш масалаларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Ироқ маъмурлари билан музокаралар ўтказиш мақсадида АҚШ вице-президенти Ж.Байден Бағдодга келди.

● Доғистонда ўтказилган махсус операция чоғида икки нафар жангари йўқ қилинди.

● АҚШ президенти маъмурияти Шимоллий Кореяга нисбатан янги санкцияларни белгиллади.

● Туркияда дунёдаги энг йирик Ботаника боғининг қурилиши бошланди. Мазкур Зайтун боғи лойиҳасининг умумий қиймати салкам 15 миллион долларга баҳоланмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра боғ 263 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда мевали ва манзарали дарахтлардан ташқари сабзавот ва экинлар учун ҳам ер ажратилиши режалаштирилган.

● Миср пойтахти Коҳирада етти йил давом этган таъмирлаш ишларидан сўнг дунёдаги энг йирик ислом санъати музейи яна ўз эшикларини очди. Айтиш кераки, музей ҳазинасида 100 мингтага яқин предметлар бўлиб, уларнинг 2500 таси намойишга қўйилади. Экспонатлар орасида Каъбанинг олтин калити, эраминдан олдинги 690 йилда зарб этилган энг қадимги динар ва бошқа ашёлар ҳам мавжуд.

● Малайзия маъмурияти мамлакатда бактериал касаллик тарқалиш хавфи кучайганлиги боис сув ҳавзаларида одамларнинг чўмилишини таққиллади.

● Буюк Британиянинг «Бритиш петролеум» компанияси Ливия қирғоқлари бўйидаги янги топилган кондан бешта нефть кудукларини бургулаш ишларини бошлади.

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Хурматли меҳмонлар!

Бугун гўзал ва бетакрор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида озриқиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини билан руҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуг, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Азиз дўстлар!

Бугун, шу кутлуг айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмасдан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойликларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида халқимиз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йилда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва говлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдидан бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, ҳолисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очик фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодий-ижтимоий кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яккаю ягона тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини аввало шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида равоқ кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида хали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамастан, Ўзбекистон дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишининг юқори ва барқарор суръатларини намойён этмоқда.

Охириги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ўсиш даражаси мис равишида 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутулаётганининг ўзи кўпчиликнинг хайрат ва хавасини уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириш ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 қаррага кўпаяди.

Яна бир рақам — Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон салоҳияти асраш, унга муносиб шароит яратиш ва гамхўрлик кўрсатиш улуғси ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далolat беради.

Хаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайлида эришиб бўлмайди.

Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу муътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юрtdошимиз бу ютуқлардан гурулраниб-фахрланиб яшашига тўла ҳаққидир.

Қадрли юрtdошларим!

Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир. Бунинг учун ўз моҳияти ва ахамиятига кўра бир-бирига тенг, бир-

бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифа-ни амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

Биринчидан, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

Иккинчидан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгиланиш, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимишга кўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай ому-интилиш мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг мантаний ва қонуний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва куч-ғайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу берақуришимиз, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим — мана шу мухташам майдонга чиroy бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимиз, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Мамлакатимизда 2010 йилга “Баркамол авлод йили” деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим қомил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдики, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орун-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сурётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиқидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотулиш ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучлардан доимо сезгир, огоҳ ва хушёр бўлиб, бундай уришларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуктаи назардан қараганда, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни биз ҳаммиза энг долзарб вазифа деб билганмиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, муҳтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, дунёдаги барча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилакларимизни йўллашга руҳсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор кутлар эканман, авваламбор, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаётган, эзгу ишларимизга ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сижат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ



Мустақиллик — энг улуг, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчаларни юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш — буюк саодат.

Мустақиллик — халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечирish имконини бергани, юрtdошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намойён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун беҳиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз ўзининг энг улуг, энг азиз айёми — мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам қалбларимизга чексиз фахр-ифтихор, кўнгилларимизга сурур бахш этди. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган мазкур тарихий кун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан тантана қилинмоқда.

Жорий йилда ушбу кутлуг байрам бутун мамлакатимиз бўйлаб «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу гоя асосида нишонланмоқда. Бу юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, ҳаётимиздаги барча янгиланиш ва ўзгаришлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, авваламбор, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг яна бир амалий ифодасидир.

2010 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи янада гўзаллик, ўзгача тароват касб этган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусикаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислон Каримов минбарга тақлиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида тарихан қисқа даврда босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимиз давомида эришган юксак марраларимиз, амалга оширган бетимсол ишларимиз беихтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Бу йиллар, ҳеч шубҳасиз, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида Ватанимиз тарихи саҳифаларига зарҳал харфлар билан муҳрланди.

(Давоми 2-бетда).

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон». Муаззам саҳнадан таралган бу кўшик гўзал кире адирларимизда, далау даштларимизда, пурвиқор тоғларимизда, файзли қишлоқларимизда, мафтункор шаҳарларимизда акс-садо беради. Бу ашула гўё барчамизнинг қалбимиздан чиқиб кетгандек. Ҳа, киндик қонимиз томган ота маконимиз, жонажон Ватанимиз вафс этувчи тароналар юракларни жунбушга келтиради, кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди, эзгуликка ундайди, бунёдкорликка чорлайди...

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазиға этиб белгиланди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва янги давлат ва янги жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» гоёси ҳаётга ижро этилмоқда. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тақомиллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд органлари муҳим ўрин тутди. Шу маънода суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини янада кучайтириш борасида илҳом ислохотлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим қафолатига айланди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг тасфи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида ҳалқимиз менталитетига ҳос ярашув институти жорий этилди, адвокатурани институтини ислох қилинди, суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти тақомиллаштирилди.

Қўрбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ҳалқимизга ҳос бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларининг яна бир намоёниши бўлди. Бу бутун дунёда улкан қўшиқ ва эътибор уйғотди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустақамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг кучайишига ва улар томонидан қарорлар қабул қилинишига катта таъсир кўрсатди.

Мустақиллик йилларида юртимизда энг юксак демократик талабларга, умумэтнопроф этилган халқро мезъорлар ва стандартларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловнинг очиклик, ошқоралик ва адолат тамойилларига мувофиқ ҳолда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуни, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан қафолатланган.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган ўзгаришларга асосан 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 150 депутат, шу жумладан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан 15 депутат сайланди.

Ушбу сиёсий тадбир мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор кўрсатди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сайловлар ҳалқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш жараёнининг чуқурлаштириш йўлидан илҳом қилишга бораётганини кенг қўлаб-қувватлаётганини намоёниш этди.

... Она заминимиз юксак пардаларда тараннум этилган алёр қадимизни тоғдек кўтаради. Ватан – ота-боболаримизнинг му-

борақ хоклари ётган табарруқ замин, ҳамisha севиб-ардоқлаб, тупроғини кўзимизга суриб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Озод Ватанимиз борки, қадр-қимматимиз бор. Обод юртимиз борки, ор-номусимиз бор, гурур ва ифтихоримиз сарбаланд...

Бугун жаҳон Ўзбекистонга ҳавас ва ҳайрат ила боқмоқда. Энг ривожланган давлатларнинг ҳам белини буккан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини яна бир бор исботламоқда. Бу ҳар биримизга гурур ва ифтихор бағишлаши баробарида, кучимизга куч қўшмоқда, эртанги кунимизга ишончимизни янада мустаҳкамламоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинган ва жаҳонда илмий асосда чуқур ўрганилаётганининг моҳияти шунда.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгаришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш дастурини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт коммуникацияларининг жадал ривожлантирилиши иқтисодиётини барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққиёт эттириш имконини бермоқда.

2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорига дадил кириб бормоқда. Экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янги бозорларга чиқиш ҳисобига экспорт ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Ҳозир мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан жаҳоннинг 139 мамлакатига товарлар ва хизматлар экспорт қилинаётди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг қиймати 518 миллиард сўмга тенг кредитлари йўналтирилди. Иқтисодиётимизда ўлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 1,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 181 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўлаштирилди, экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар натижада жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллийлаштирилган

маҳсулотлар экспорти ҳажми 1,8 баравар кўпайди.

Аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг энг муҳим манбаларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда. Бунинг самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 41,1 фоизни ташкил қилди.

Шу йилнинг бошидан буён ишлаб чиқаришни техник модернизация қилиш бўйича 108 лойиҳани амалга ошириш қўйилган ва 529 ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлар ҳам ўз самараларини бермоқда. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тобора ортиб бормоқда. Истиқлол шарофати билан ўз доимизга, беминнат номимизга эга бўлдик. Жорий йилда галлкорларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 7 миллион тоннадан зиёд галла хирмони бунёд этилди. Пахтакорларимиз ҳам юксак марраларни кўлаб меҳнат қилмоқдалар.

...Майдон узра таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Энг улуг, энг азиз байрамимиз дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, бунёдкор ҳалқимизнинг яратувчанлик салоҳиятидан фахру гуруринг ошади...

Йўллар элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди, йўл, коммуникация бор жойда тараққиёт бўлади, иш олга силжийди. Мамлакатимизда йўлларни, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида халқро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон



миллий автомагистрალი участкаларини қуриш, йўл-қурилиш техникасини харид қилиш учун 190,6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ўзбекистон миллий автомагистрალი бўйлаб йўл ёқасида 59 инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объекти қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўл линиясининг разъезд ва станцияларига ишлаб чиқариш-техник бинолар ҳамда турар-жойлар қурилиши яқунлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Байрам арафасида Навоий шаҳридаги халқро аэропортда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги юз терминали ишга туширилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бандлик даражасини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида иш ўринлари қисқариши давом этаётган бир пайтда 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этишга эришганимиз катта муваффақиятдир. Шу қаторда одамларимизнинг иш ҳақи, даромади барқарор ўсмоқда. Буни уларнинг турмуш фаровонлиги юксалаётгани, янги, замонавий уй-жойлар бунёд этаётгани, енгил автомобиллар харид қилиши кўпайётгани сингари ҳаётий мисоллар ифодасида ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкентда 2010 йилнинг апрель ойида ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусидаги халқро илмий-амалий конференцияда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатлари яна бир бор юксак баҳоланди.

Анжуман яқунлари бўйича тайёрланган ҳулоса ва тавсияларда Ўзбекистонда глобал инқироз хавфларига самарали қарши туришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг юксак самаралари ҳамда Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг чуқур асосланган устувор йўналишларининг муҳим аҳамияти ва долзарблиги алоҳида қайд этилди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дунёнинг қўллаб-қувватлаши учун муҳим амалий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу йилнинг май ойи бошида Тошкентда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Бу нуфузли анжуманга МДХ ва Кавказ минтақаси мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахти мезбонлик қилгани юртимизнинг халқро миқёсда тобора юксалиб бораётган нуфузидан далолат. Анжуман иштирокчилари ушбу тадбир юксак ташкилий савияда ўтгани ва ОТБнинг барча анжуманлари орасида энг самаралиларидан бири бўлганини таъкидлади.

ОТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлиси катнашчилари, шунингдек, 2010 йилнинг июнь ойи охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқро валюта жамғармаси миссияси томонидан Ўзбекистон эришаётган натижалар юксак баҳоланди. Халқро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг ҳулосаларига қўра, инқирозга қарши чораларнинг самарали модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, жорий йилда экспорт ҳажмини оширишга кўрсатаётган самарали таъсирни давом этаётгани тўғрисида 2010 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши 8 фоиздан ортиқни ташкил қилади.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтди. Унда ШХТга янги аъзоларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ва ШХТ процедуралари қондилари тасдиқланди. Мазкур икки ҳужжатнинг Тошкент саммитида барча аъзо давлатлар томонидан мақкуллангани Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга раислиги нечоғли самарали кечганидан далолат бўлди.

Шу йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асосида Тошкентда ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу 2010 йилда Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятидаги тарихий аҳамиятга молик яна бир ёрқин воқеа бўлди.



Юртбошимиз таъбири билан айтганда, инсоннинг турмуши, яшаш шароити ўзгарса, унинг эртанги кунга бўлган муносабати ўзгаради, ишончи мустаҳкамланади. Шу боис қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва санъат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича мазмун ва миқёси жаҳондан мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу максадлар мумкин.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз бўйича қўллаб-қувватлашнинг янги фойдаланишга топширилди. Газ, сув қувурлари тармоқлари барпо этилди. Утган йилнинг сентябрь ойида қишлоқ жойлардаги 42 массивда қурилиши бошланган уй-жойлар ўз эгаларига топширилди.

159 қишлоқ туманларидаги 223 массивда намунавий лойиҳалар бўйича 6800 уй-жой қурилиши давом этмоқда. Утган давр мобайнида ушбу максадлар учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкининг жами 122,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди.

Замонавий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш мақсадида 2010 йилнинг олти ойида замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи ишканаларини қуриш ишлари давом этмоқда.

Даврага болалар чиқиб келади. «Тантана», «Соната», «Асал», «Юлдуз», «Наврўз», «Томоша» ва «Булбулча» болалар ансамбллари ижросидаги шодон қўшиқ ва ўйноқи рақслар байрам томошаси аҳлини тўлкинларига етказди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган ва янада кўпайиб бораётган болалар дилингиз ярайди. Қувноқ ва серзавқ фарзандларимиз ўзларининг бахтли болалиқни мадҳ этувчи қўшиқлари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотди...

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилинган замирида чуқур маъно-мазмун мавжуд. Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, бахт ва иқболи учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазибаларидан этиб белгиланган. Бу ҳалқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи мумкин.

«Соғлом она – соғлом бола» гоёсини ўзида мумкин бўлган дастур асосида кенг қўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан ўтган йили қабул қилинган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини тақомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга оид қарорлар бу борада муҳим дастуриямал бўлаётди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирларга доир қарори оналар ва болаларга эътибор ва ғам-хўрликнинг яна бир намоёниши бўлди.

Таълим-тарбия соҳасидаги дастурларимиз келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб, уларнинг самараси мамлакатимиз эришаётган юксак марра ва натижалар мисолида қарор топаётган бўлмоқда. Лицей ва коллежаларни битирган ёшларимиз бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилди. Яқинда давлатимиз раҳбарининг таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазибаларни ижро этиш, ёшларни, биринчи галда, касб-ҳунар коллежалари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга қўлай шарт-шароитлар яратди.

Бугунги кунда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва адабиётларини тақомиллаштириш, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болалар спортини янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар, сув спорти саройлари, бадиий гимнастика заллари бунёд этилмоқда, улар замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт узгаслари ва мураббийлар билан таъминланмоқда.

... Ёш санъаткорлар эл-юртимизни энг азиз байрам билан муборакбод этади. Улар ижросидаги қўшиқ ва наволар улғувор айёмнинг тантанавор руҳига ўзгача файз ва тароват бахш этади...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, санъатнинг барча турларига, жумладан, мусиқа санъати ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Юртимизда бетакрор санъат қосоналари қад ростлаши, болалар мусиқа санъат мактабларининг замонавий муҳитга киратилиши ҳам соҳага кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрлик натижасидир. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти ҳамда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Янги авлод», «Келажақ овози» кўрик-танловлари ҳаётини санъатга бағишлаш дилига туккан ёшларимизнинг истеъдодини кашф этишга, уларга кенг йўл очиб беришга хизмат қилмоқда.

Ҳа, бугун ўзбек овози дунё саҳналарини узра баралла янграмоқда. Соҳир овоз, сеҳрли бармоқ соҳиблари халқро миқёсда ўтказилаётган кўрик-танловларда голибликни қўлга киритмоқда.

... Тобора авжга чиқаётган қўшиқлар юртдошларимиздаги Ватан тақдирига даҳлдорлик ҳиссини янада кучайтиради. Киши қалбидан шу юрт, шу Ватан меники, шу муқаддас замин янада обод ва фаровон бўлиши учун қанча кўп меҳнат қилсам, оилам, фарзандларим шунча манфаат кўради, гўзал дийримиз янада гуллаб-яшнайдиган, деган эзгу фикр ўтади...

«Тинчлик таянчи». Майдон узра ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага ўшакдан қадамлар билан мард ва жасур ўғлонларимиз – Ватан ҳимоячилари кириб келади. Улар она Ватанимизни мадҳ этиб, Қуролли Кучларимиз қудратини намоёниш этади...

Юртимизнинг тобора обод бўлиб, қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, Ватанимизнинг тараққиётдаги ютуқлари, авваломбор, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туғайлидир.

Эл-юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон – ўзининг худудий яхлитлигини сақлашга, ўзини ўзи муҳофаза қилиш, мустақиллигини асрашга қодир мамлакат. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурул-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга, ҳар қандай ёвуз кучга муносиб зарба беришга қодир бўлган миллий армиямиз билан ҳар қанча фахрланасан арзийди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонини Ислам Каримов гоёси ва ташаббуси асосида Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкали Ватанга қасамёд, мардлик ва жасорат мадҳияси сифатида ёшларимиз, ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий оламини бойитиши, уларда бақувват ирода, фаол ҳаётий позиция шакллантиришда гоёят катта аҳамиятга эгадир.

«Ватан азиздир». Ватанимиз мадҳ этилган, Ҳазрати инсон улуғланган бу қўшиқ янграганда беихтиёр унга жўр бўласиз. Шундай ҳузурбахш лаҳзаларда бу оламда бетакрор она Ўзбекистонимизнинг яққаю ягона эканлиги, шу муқаддас заминга эҳтиром туйғуси ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши зарурлигини янада теранроқ аниқлайди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси телевидение орқали бевосита томоша қилди. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи – Интернет орқали у дунёнинг барча худудларига қанча кириб борди.

... Самода ранг-баранг мушаклар жило сочади. Сеҳрли ёғдуларга боқиб қалбларимиздан ҳаяжон тошади.

Кўнгилларимиздаги энг олий тиллақлар тилга кўчади:

– Истиқлолнинг муборак бўлсин, она Ўзбекистоним!

Олим Тўрақулов, Ўза Шарҳловчиси

Мамлакатимиз бундан 19 йил олдин ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб, аини пайтда шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, халқимизнинг қандай оғир ва фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир вазият ҳукм сурганини ёдда тутиш ва тасаввур этишга тўғри келади.

Маълумки, собиқ совет тизими қатъий марказлаштирилган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш усулига асосланган эди. Ана шу тизимга хос бўлган иллатлар билан бир қаторда республикамиз иқтисодиётининг бирёқлама ривожланиб, хомашё тайёрлашга йўналтирилгани, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генотипига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккахокимлигининг мисли кўрилмаган даражага етгани ўша пайтда юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Ҳаёт улкан табиий, минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларига, инсоний салоҳиятга эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. Бундай шароитда иқтисодиётнинг ҳалокатли равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин даражада ўсиб кетишига чек қўйиш, шакланган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқишига барҳам бериш, ишсизликнинг янада ортиб кетишига йўл қўймаслик фавақулда муҳим аҳамият касб этар эди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ана шу ҳолатларнинг барчаси эътиборга олиниб, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб дунё таърибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилди. Унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш, умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамоханг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» рисолида халқимиз босиб ўтган миллий тараққиёт йўлини чуқур таҳлил этиб, бу борада икки тарихий давр муҳим ўрин тутганини ҳар томонлама асослаб берган эди. Аввало, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида беқиёс ва улкан, том маънода тарихий из қолдирган давр бўлди.

Шу билан бирга, мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислохот этиш ва модернизация қилиш даври – 2001 йилдан бугунгигача бўлган мuddатни ўз ичига олган навбатдаги босқич эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар

соҳаларни изчил ислох қилиш, аҳоли ҳаёт даражасининг муттасил ўсиб боришини таъминлаш борасида янада муҳим аҳамият касб этди.

Бу хусусда сўз борганда, мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқ ва марралар – авваламбор, мамлакатимиз иқтисодиётини ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ўз вақтида бошланган, ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсатнинг натижаси эканига тақрор-тақрор ишонч ҳосил қиламиз.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган Ўзбекистоннинг ўзига

чоралар дастури ҳам шу асосда ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилди. Шунинг ҳисобидан биз бугунги кунда собиқ совет тузумидан қолган оғир иллатларнинг хатарли таҳдидларини енгил қўйиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан сақланиш учун ишончли тўсиқ ва мустақам пойдевор яратиш билан бирга, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланишини, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги узлуксиз ошиб боришини таъминлашга эришмоқдамиз.

Фақат мустақил тараққиёт, ижтимоий-сиёсий тизимдаги чуқур ўзгариш ва ислохотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг ана шундай жадал ва

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ БОСИБ ЎТГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

хос тараққиёт йўли, унинг афзалликлари ҳақида жаҳондаги нуфузли сиёсатчи ва иқтисодчилар, эксперт ва таҳлилчилар томонидан кўплаб ҳаққоний фикрлар, юксак баҳолар билдирилган. Асосий негизини иқтисодиётнинг мафкурадан қоллиги, сиёсатдан устунлигини назарда тутадиган прагматик иқтисодий сиёсат; давлатнинг бош ислохотчилик вазифасини ўз зиммасига олиши; қонун устуворлигини таъминлаш; кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби машҳур беш тамойил ташкил этилган шунинг билан 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини шароитида ўзининг нақадар тўғри эканини яна бир бор исботлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизнинг четдан тикиштирилган, "шок терапияси" деб аталган усуллардан, "бозор иқтисодиёти ўзини ўзи бошқаради" қабилидаги сохта қарашлардан аввал бошданок воз кечиш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқ-бозилқ тизимидан бозор муносабатларига ўтишда инқилобий эмас, балки тадрижий ривожланиш йўлини танлагани бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Айниқса, "Янги йўл қурмай туриб, эскисини бузманг", "Ислохотлар – ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган, бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетган ҳаётий шиорлар негизда янги давлат, янги жамият пойдеворини барпо этиш йўлида қандай ютуқларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш мумкин.

Юртимизда ўтган йиллар давомида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва бошқа институционал тизимлари айнан ана шу тамойиллар негизиде шаклланиб, фаолият олиб бориш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор дастур ва режалари, жумладан, Инқирозга қарши

барқарор ривожланишини таъминлаш имконияти пайдо бўлганини бугун ҳар қайси юртдошимиз ўз ҳаёти мисолида кўрмоқда.

Истиқлолимизнинг энг буюк ютуқларидан бири – юртимизда тарихан қисқа мuddатда миллий давлатчилигимиз пойдевори яратилгани билан бугун ҳар қанча фахрланасак арзийди. Миллий давлатчилигимизнинг энг муҳим қадриятларини белгилаб берадиган Асосий қонуимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда давлат ва жамият курилишининг асосий тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиб, улар орасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши ҳал қилувчи қоида сифатида муҳаб қўйилган.

Ана шундай ҳуқуқий пойдевор асосида мамлакатимизда туб маъмурий ислохотлар амалга оширилди, давлат ва хўжалик бошқарувининг таркибий тузилиши модернизация қилинди ва янгилаштирилди, жойларда ҳокимлик институти жорий этилиб, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди, маҳаллий ўзини бошқариш органлари тизими – маҳалла институти ривожланди ва мустақамланди.

Яна бир тарихий ютуғимиз – диёримизда бозор иқтисодиёти асослари яратилиб, янги иқтисодий муносабатлар механизми жорий этилди, тегишли инфратузилма институти ташкил қилинди, бугунги талабларга жавоб берадиган мутлақо янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизимлари шакллантирилиб, иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида чуқур ислохотлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида юртимизда мулкрий муносабатлар соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимизда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб, унинг таркибий хусусий мулк устувор ри-

вожланиш имкониятига эга бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизда нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, балки бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини юксалтиришнинг асосий манбаи, аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омилга айланди.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва галла мустақиллигини қўлга киритишдек муҳим стратегик мақсадга эришилди. Мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлашга қаратилган энг замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологияларни янгилаш бўйича кенг қўламли дастурларни изчил амалга ошириш, энергетика, нефтьгаз-кимё, рангли металлургия, химия ва тўқимачилик саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология каби юксак технологиялар асосида ишлайдиган, иқтисодий та-

кучли ижтимоий сиёсат юритилгани ҳам биз учун олий қадрият бўлиши инсон манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Албатта, кичик бир мақолада ўтган йиллар давомида юртимизда амалга оширилган кенг қўламли, том маънода тарихий ишларнинг барчасини санаб ўтиш имконсиздир. Лекин, шу даврда амалга оширилган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларининг энг муҳим ва салмоқли натижалари ҳақида гапирганда, аввало Шўртан газ-кимё мажмуаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Асака ва Самарқанд автомобиль заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи каби стратегик саноат объектиларини, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари соҳасидаги юзлаб янги корхоналар ва объектиларни фахр билан тилга олишимиз табиийдир.

Шулар қаторида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини боғлаб турадиган ягона транспорт коммуникация тизими яратилгани, трансмиллий транспорт йўлақлари ва жаҳон бозорларига чиқиш имконини берадиган 694 километрлик Навоий-Учкудук-Султон Увайстог ҳамда 223 километрлик Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиялари, замонавий автомобиль йўллари, "Навоий аэропорти" ва "Ангрен" халқаро логистика марказлари ҳам мустақиллик давридаги бунёдкорлик ишларимизнинг алоҳида ёрқин саҳифасини ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодиётини ислох қилиш, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёдаги бошқа бир қатор етакчи молиявий ташкилотлар томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни қувонтиради.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ана шундай ғоят кенг қўламли ишларимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, мамлакатимиз олдида иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, бутун жамиятимизни янгилаш бўйича янада улғувор вазифалар турганини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Бизнинг пировард мақсадимиз – дунёнинг тараққий топган демократик мамлакатлари қаторидан мустақам жой эгаллаш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашдан иборат экан, эришган барча ютуқ ва марраларимизни мустақамлаб, бу йўлда белни янада қаттиқроқ боғлаб меҳнат қилишимиз талаб этилиши табиийдир.

Ўзининг 19 йиллик мустақил тараққиёти давомида қанчадан-қанча синов ва машаққатлардан ёруғ юз билан ўтган, беқиёс бунёдкорлик салоҳияти билан ўз юртини обод ва фаровон этиб келаётган мард ва меҳнатқаш халқимиз бунга ҳар томонлама қодир экани барчамизга куч-ғайрат ва гурур, эртанги кунимизга мустақам ишонч бағишлайди.

(ЎЗА)

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улғу тушунчалар доимо бир-бири билан ёнма-ён. Халқимизнинг тарихий ютуғи – Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон эришаётган бетимсол ютуқлар, мамлакатимиздаги янгилашлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод – мана шундай улғу неъматларни инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улғу аждодларимиз хотирасини тиклаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш энг эзгу анъаналардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. 31 август мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонланди.

Мазкур мажмуа доим зиёратчилар билан гавжум. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодини табаррук она Ватанимизни, мустақиллигини кўз қорачигидек асраб-авайлашга ундайди. Бу ерга зиёратга келган инсон ошуда отаётган тонгларга шукрона келтиради, қалбида шу озод ва обод юрт тақдирини дахлдорлик туйғуси жўш уради.

31 август тонгида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган инсонларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Президентимиз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлади.

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар, мамлакатимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган бетимсол ўзгаришлар, бугунги кунда жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақида гапирди. "Шаҳидлар хотираси" мажмуасининг ҳаққоний тарихимизни тиклаш, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришдаги аҳамияти, ёш авлод тарбиясида тутган ўрни хусусида тўхтади.

Биз учун энг улғу, энг азиз қадрият бўлиши мустақиллигимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланмоқда. Мана шундай дорилмомон кунларга етиш йўлида қанчадан-қанча юртдошларимиз курашган, ҳатто ўз жонини ҳам аямаган. Маънавият ва маърифат орқали эзгу мақсадларни илгари сурган кўплаб ватандошларимиз қатагон қурбонларига айланган. Бу муқаддас маскан ана шундай инсонлар хотирасини доимо ёдда тутишга, ёшларимиз уларнинг жасоратини теран англашига хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда бугунги тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш ҳақида ўйлашимиз табиий, албатта, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Шу кун Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниётларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

(ЎЗА)



ШАҲРИМ — ФАҲРИМ



ЗАМОНАВИЙ ГУЗАР ҚАД РОСТЛАДИ

Маҳалла мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асосий таянчи, ўзини ўзи бошқариш органи сифатида энг нуфузлидир.

Дарҳақиқат, маҳалла ижтимоий ҳаётимизнинг кўзгу-си, халқимизнинг энг гўзал анъаналари, урф-одатлари, олижаноб фазилатлари ифода топган маскандир.

Шайхонтоҳур туманидаги 49 та маҳаллада турли миллат вакиллари тинч-осуда, кундалик ҳаёт таъшишлари билан, бир-бирига ҳурмат ва эҳтиромда яшаб келмоқда. — Маҳалладошлар учун ўзимизнинг гузаримиз бўлиши бир орзу эди, — дейди «Шодлик» маҳалласи оқсоқоли Мирхалил Содиков. — Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар кўмағида замонавий, барча шарт-шароитлар яратилган ҳолда маҳалла гузари қад ростлади. Гузарда фуқаролар йиғини фаоллари учун алоҳида хоналар,

мажлислар зали бор. 7,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда 276-мактаб, 588-мактаб-гача таълим муассасаси жойлашган. Бу таълим муассасалари билан «Маҳалла-мактаб-ойла» концепцияси асосида яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз. Аҳоли ва хонадонлар тинч-қизил, хавфсизлигини таъминлашда 367-милиция таянч шохобчаси инспекторлари Хусниддин Расулов, Алишер Раҳимов, 20 яқин

посбоннинг муносиб ҳиссаси бор. Бу йили маҳалла фаоли Муборак Тўхтаева «Энг намунали посбонлар сардори» танловининг туман босқичида ғолиб бўлгани ҳам маҳаллада бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилганидан далолат, албатта. Хотин-қизлар комиссияси раиси Мастура Ақромова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Раъно Исанова, кўплаб бошқа фа-

оилар фидойилиги, меҳнат-севарлиги, ўз ишига масъулият билан ёндошиши боис барча эзгу ишлар муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида маҳаллада иккита болалар майдончаси фойдаланишга топширилди. 276-мактабда шахмат-шашка, бисер тўқиш, тикиш-бичиш, стол тенниси бўйича тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди, бундан ташқари, инглиз, рус

тили, қизларни ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқув курслари очилган. Аҳолининг узогини яқин қилиш мақсадида савдо, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда «Ипотека» банки шохбчалари ишлаб турибди. 40-оилавий поликлиника шифокорлари саъй-ҳаракатлари билан «Соғлом она — соғлом бола» дастури бўйича режали ишлар олиб борилмоқда.

Халқимизда азал-азалдан «Маҳалла — Ватан ичра ватан», «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикमतлар бежизга айтилмаган. Маҳаллаларимизнинг бундандала гуллаб-яшнаши, ривожланиши йўлидаги хайрли ишларда барчамиз камарбаста бўлайлик. **Шоира МУҲАМЕДОВА**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ҲИКМАТЛАР

Халқ ҳаётини энг чуқур қатламларига, иқир-чиқирларига яхши билган, халқ оғзаки ижоди-дан тўла хабардор Алишер Навоий ўз асарларида халқ мақол-маталлари, образли ибораларидан кенг фойдаланади, кундалик турмушдан олинган ҳаётий ташбихларни кўп қўллади. Ўз навбатида, замонасининг барча илмларини эгаллаган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг хулосаси сифатидаги теран мазмунли лўнда ҳикमतлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, уларнинг қайси бири халқнинг ўзиники-ю қайси бири Навоийники эканлигини ажратиш бўлмади. Мисоллар:

- Билмагани сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим.**
- ***
- Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.**
- ***
- Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз.**
- ***
- Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт.**
- ***
- Сихқат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема.**
- ***
- Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур.**

Алишер Навоий илк девони «Бадоеъ ул-бидоя»-га ёзган дебочасидаёқ адабиёт — тарбия воситаси эканлигига ургу бериб, ҳар қандай бадий асар маърифий фикрлар ва панд-насихатдан холи бўлмаслиги кераклигини қайд этиб, жумладан шундай ёзган эди: «Девон топилгайким, анда маърифатомиз бир газал топилмағай ва газал бўлгайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру бехуда заҳмат ва зорё машаққат тортилгон бўлғай». Шундан кейин ўзининг ишқий газаллари ҳам маърифий ва фалсафий байтлардан холи эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Айни жиҳатдан шоир мероси — маънавий-ахлоқий тарбиянинг қучли қуролларидан бири. Инсон тарбияси, камолоти масалаларини ўзбек адабиётида ҳеч ким Навоийдек ҳадди аъло-сида қуймаган. Шоир орзу қилган комиллик йўли бу, биринчи навбатда, етук одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму хунарларини ўзлаштириш, илм ва хунарни бир-биридан ажратмаслик, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматиға шай туриш, миллиятнинг оғирини елкага олиш, Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини ҳамма нарсадан банд қўйиш ва ҳоказо.

Навоий барчадан талаб этган ва ҳаммада бўлишини орзу қилган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси шунчалик кўпки, уларни бирма-бир санаб чиқиш учун ҳам лофи билан алоҳида китоб ёзиш керак бўлади. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ ўғит-насихатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос назмий дастур, қўлланма вужудга келади.

Аслида Шарқ халқлари қадим ул-айёмдан мақол-маталлар, теран маъноли ҳикматли сўзлар, ибратли ривоятларга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Халқ эртақлари донишманд отабоболаримиз битта ҳикматли сўзни бир тиллага сотиб олганлигидан шохидлик беради. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло Лўқмони ҳақимдан: «Пайгамбарлик берайми ёки ҳикмат?» — деб сўраганида, у ҳикматни танлаган экан. Шундан кейин Худованди карим унга шунчалик кўп ҳикмат берган эканки, барча пайгамбарлар ҳам унинг панд-насихатларига муҳтож бўлган эканлар. Шунинг учун ҳам Шарқда дидактик адабиёт ривожланган. Бу ўринда «Калила ва Димна», «Қобуснома», Шайх Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Хожанинг «Мифтоҳ ул-адр» ва «Гулзор», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарларини эслашнинг ўзи кифоя. Панд-насихат мумтоз адабиётимизнинг қатқатига сингиб, унинг асосий хусусиятларидан бирига айланган.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Газетанинг навбатдаги сони 3 сентябрда чиқади.



«СИНГАПУР-2010»: УЧ КУМУШ, ОЛТИ БРОНЗА МЕДАЛЬ

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпия ўйинларида ёш спортчиларимиз учта кумуш ва олти бронза, жами тўққизта медални қўлга киритди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон спорт делегациясини тегишли вазирилк ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари, муҳлислар кутиб олди. Ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпия ўйинларида дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган 3 минг нафардан зиёд 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар спортнинг 31 тури бўйича 184 медаллар жамланмаси учун ўзаро куч синашди. Сингапур Олимпиадасида юртимиз шарафини бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, таэквандо, енгил атлетика, дзюдо, бокс, стол тенниси, ўқ

отиш, сузиш, оғир атлетика, эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича 21 нафар истеъдодли спортчи ҳимоя қилди. Улар Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик шодлиғига муносиб совға ҳозирладилар. Олимпиадачиларимиздан уч нафари — юнон-рум курашчиси Нурбек Ҳаққулов, дзюдочи Мансур Мўминхўжаев ҳамда боксчи Аҳмадjon Мамажонов кумуш медални қўлга киритди. Истеъдодли полвонимиз Мансур Мўминхўжаев мусобақанинг сўнги кунда дзюдо бўйича ўтказилган жамоавий беллашуларда учинчи ўринни эгаллади ва терма жамоамиз

ҳисобига яна битта бронза медал қўшди. Юнон-рум курашчиси Руслан Комиллов, эркин курашчи Диёрбек Эргашев, хотин-қизлар кураши бўйича Нилуфар Гадоева, боксчилардан Сардорбек Бегалиев ва Зоҳиджон Хурбобов ҳам Олимпиаданинг бронза медални соҳиби бўлди. — Биз тарихий мусобақа — ўсмирлар ўртасидаги I Олимпия ўйинларидаги эришган ғалабаларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрамига бағишлаймиз, — дейди Олимпия ўйинлари совриндори М.Мўминхўжаев. **Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Ўза шарҳловчиси**

Янги лойиҳалар ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мустақил Ўзбекистонимизда барча соҳалар каби маънавий-маърифий соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Айниқса, ўсиб келаётган авлод маънавиятини юксалтириш — бу мамлакат куч-қудратини ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг асосий шартидир. Мустақил она Ватанимиз азал-азалдан маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб келган. Шу билан бирга бугунги шиддат билан илгариланган давр маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар самарасини янада юксалтиришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан бир қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилди. Жумладан, «Кутубхона кўни» лойиҳаси доирасида яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорликда ёшларда китобга бўлган меҳр ва қизиқишни янада ошириш, халқимизнинг бебаҳо маънавий меросидан ўғил-қизларни мунтазам ва тўлақонли баҳраманд этиш, ота-боболаримизнинг эзгу ғояларини ёш авлод қалбига сингдириш, Ватанимиз тарихини чуқур ўрганишига йўналтирилган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда таъкидланганидек, китоб — бу ҳаёт мактаби, китоб мутолааси билан дунёқараши, тафаккури кенг ёшлар келажаги буюк давлатимизнинг ҳақиқий эгалари ҳисобланади. Ёшлар билан ҳамкорликда

ўтказилаётган ҳар бир тадбир уларни юксак мақсадларга эришишга, маърифатли, маънавий етук бўлиб вояга етишига, миллий кадриятларимизни чуқур англашига хизмат қилади. Ёшлар эзгу орзу-умидларимизга эришишда ҳақиқий таянч бўлмоғи керак. Бунинг учун албатта, кўп китоб ўқиш керак. Тадбирда шоир Чоршаъм Рўзиев Ватан, китоб ҳақидаги шеърлари билан кўпчиликда таассурот қолдирди. Мамлакатимизда ёшларимизнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими корхона-ташқилотлар, таълим муассасалари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқда. Дунё миқёсида ғоявий таҳдид ва ахборот хуружлари кучайиб, айниқса ёшлар онги ва қалбини эгаллаш борасидаги кураш жараёнлари мураккаблашиб бораётган бугунги кунда ёшлар билан шундай маънавий-маърифий тадбирларни янада кўпроқ ўтказишимиз керак. Бундай тадбирлар ёш авлод вакиллари янги-янги марралар сари сафарбар этишдек олижаноб мақсадларга хизмат қилади. **Азиза ЮСУПОВА, Мухайё ТўЛАГАНОВА, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими фаоллари**

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2010 йилда босилди.
Қўзғалғини А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳриринг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа оқидорлик компанияси босмоқчиси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.
12 45